



ЎРТА АСР АФРОСИЁБ КУЛОЛЧИЛИК САНЪАТИДА ЭПИГРАФИК ЁЗУВЛАРНИНГ ЎРНИ

Ахмедов Ровшан Толкунович

К. Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада ўрта аср Афросиёб кулолчилигида қўлланилган эпиграфик ёзувлар ва уни таъмирлашдаги ўзига хос жараёнлар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Афросиёб, кулолчилик, амалий санъат, эпиграфик ёзув, давр, буюм, безак.

Ўрта асрларда ўзбек амалий санъатининг кулолчилик турида энг кўп тарқалган безак тури – бу араб алифбосининг харифларидан иборат эпиграфик ёзувлар ҳисобланади. Шу ўринда такидлаш лозимки, Афросиёб сирли кулолчилигининг ривожланишига ўша даврда яъни IX-XIII асрларда араб ёзувларининг қўлланганлиги ҳам асосий сабаб бўлган. Яна ўша даврларда кулолчилик буюмларида юқори типларида ёзилган араб ёзувлари безакдорлигини алоҳида кўриб чиқишни тақазо этган. Яна шунга амин бўлишимиз керакки, ўша даврларда сопол буюмларда эпиграфик ёзувларда асосан куфининг қатъий хусни хати қўлланилган. Идишларда эпиграфика ёзувлари ягона безак ҳисобланган. Улар одатда идишнинг чеккасида узлуксиз композицияларида, тўқ жигарранг, қорамтир бўёқлар билан ёзилган ва хуш тилаклар билдирилган. Буларга мисол, 1920-1950 йилларда яшаб ижод қилган олим В.Хоней, Самарқанд ҳудудида қилган илмий изланишлари натижасида, кўплаб кулолчилик буюмларида ёзилган эпиграфик ёзувларни таржима қилган. У ўрганган кулолчилик буюмларида куйидаги маънодаги сўзлар келтирилган: «хўжайин», «оллоҳ ёрлақасин» ва «хурматли», «мартабасини улуғ қилгин». Бундай эпиграфик ёзувлар IX-X асрларда олимнинг хусни хати билан эълон қилинган илмий ишида баён қилинган [1].



Шунингдек, В.Л.Вяткин ўзининг илмий изланишларига таянган ҳолда, Самарқанд кулолчилик буюмларида ёзилган араб ёзувларининг маъноларига алоҳида урғу бериб ўтган [3]. Унда инсонни улуғловчи ёки унинг ўзгача инсоний сифатларини аниқлигига чорловчи маънодаги мазмунлар келтирилган.

Шу даврда илмий изланишлар олиб борган олимлардан И.А.Поопнинг Луврда сақланаётган тўпламларига Афросиёб кулолчилик буюмларида қўлланилган араб ёзувларининг маъно-мазмунларини ҳам киритилган [4]. Олим А.Р.Гест эса ўша даврга оид кулолчилик буюмларида араб алифбосида ёзилган ёзувларини қуйидагича таржима қилган: «сахийлик – жаннат эгаларининг фазилятларидандир» [5].

Араб тилида ёзилган кулолчилик буюмларидаги ёзувлар, одатда араб мақоллари ва топишмоқлари ҳисобланган. Уларнинг араблар ҳукумронлик қилган даврдан, бизнинг кунгача айримлари сақланиб қолган. Бу даврда эпиграфик ёзувлардан ташқари сопол идишларнинг пардозлаш учун бир қанча нақш безаклари ихтиро қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда Афросиёб кулолчилигининг ривожланишида араб алифбосининг ўрни бекиёс. IX-XII асрларда сирланган кулолчилик буюмларида араб алифбосида ёзилган ёзувларнинг нафислиги ва сўзларнинг ҳуш маънодорлиги билан кишиларни ўзига жалб қилган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ўша даврларда Афросиёб кулолчилигида, араб ёзувларидан ташқари, турли ранг-баранг нақш безакларининг пайдо бўлганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Большаков О.Г. Арабские надписи на поливной керамике Средне Азии. IX-Xвв. // ЭВ. – Москва, 1959. – XII. – 64 б.
2. Ташходжаев Ш.С. Художественная поливная керамика Самарканда IX - начала XIII вв. – Ташкент, 1969. – 70 б.
3. Вяткин В.А. Афрасиаб - городище бывшего Самарканда. – Ташкент, 1927. – 41б.
4. Pope. I.F. Masterpieces of Persian Art. – New Eork, 1945. – 65 б.



5. Тереножкин А.И. Вопросы историко-археологической периодизации древнего Самарканда // ВДИ. – Москва, 1947. – №4. – 132-133 б.